2003 ЙИЛ — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 144 (9.794) 2002 йил 9 декабрь, душанба Сотувда эркин нархда


*Маҳаллам обрўйим,*
*кўзим қораси,*
*Ундадир ҳаётим,*
*ундадир шоним.*
*Ҳар гўдак, ҳар кекса*
*юрака яқин,*
*Бу менинг маҳаллам,*
*бу менинг жоним.*

*Зулфия ЎМИНОВА*

# ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



**Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболи порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.**

**Фаровон турмушимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида Конституциямизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Конституциямизни нафақат таърифлаганда, айни чоғда қоидаларини модда-модда рўёбга чиқариш асосида уни ҳаётимиз Қомуси деб билишимиз ва беҳад қадрлашимиз бежиз эмас.**

**Бунинг сабаби шуки, Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-ҳаваси ўзининг тўла ифодасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётнинг шакл-шамойили, маънавий қиёфаси шоён акс эттирилган. Унда тараққиётимиз гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асослари белгилаб берилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бирбирига уйғунлаштирилган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги мустаҳкам муҳрлаб қўйилган.**

**Ҳа, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганига ўн йил тўлди.**

**Шу муносабат билан 5 декабрь куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

(Давоми 2-бетда).

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага — Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр "Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўгирмасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг тагтомирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда — мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан, биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, халқимизнинг келажакка ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш — ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш — бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энди бу муаммоларнинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нималарга алоҳида эътиборимизни жалб қилишимиз зарур?

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

**Биринчидан,** Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

**Иккинчидан,** жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши — бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми — ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

**Учинчидан,** ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими — умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб, аввало, маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

**Тўртинчидан,** нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

**Бешинчидан,** жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

## ОТАНГ — МАҲАЛЛА, ОНАНГ — МАҲАЛЛА

**Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш билан бирга бўсағада турган янги йилнинг қандай номланишини ҳам ўзига хос тантана билан кутиб оламиз. Мана бир неча йилдирки, бу эзгу одат ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиб, анъанага айланиб бормоқда. Кутлуғ номлар билан аталиб ўтган йиллар ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзига хос нурли излар қолдирди. Қарияларни қадрлаш йилимиз эса ўз ўтмишдошларининг мантиқий давоми бўлди. Юртимизга янги нафас, янги руҳ олиб келаётган янги йилнинг Юртбошимиз томонидан «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши ҳамшаҳарларимизни янада руҳлантириб юборди. Улар Президентимизнинг Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан сўнг таҳририятимизга қўнғироқ қилишиб, ўзларининг дил сўзларини баён этишмоқда.**

— Кириб келаётган йилнинг «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши барча қатори айниқса биз маҳалла оқсоқолларининг ҳам дилимиздаги муддао бўлди. Албатта маҳалла ободончилиги ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бунинг учун биринчи навбатда биз оқсоқоллар жон куйдиришимиз керак бўлади.

Маҳалла ноёб тизим эканлиги бугун барчамизга аён. Сабаби, ҳар биримиз маҳаллада туғилиб ўсамиз, вояга етамиз. Бизнинг бошимизни қовуштириш, одоб ва тарбия сабоқларини бериш, тартиб-интизомга ўргатиш ва мустаҳкамлашда маҳалланинг роли катта.

**Собир КОМИЛОВ,**
**маҳалла оқсоқоли.**

— Азиз болаларим, ўғил-қизларим. Мен 90 ёшдан ошиб, юз билан юзлашган инсонман. Ўғил-қизларим, келинларим, набираларим қуршовида эъзоздаман. Ёлғиз вақтларимда радио, телевизор ҳамроҳим. Тунов куни «Ойнаи жаҳон»ни кўра туриб, Президентимизнинг келаси йилни «Обод маҳалла» йили деб аташ тўғрисидаги таклифларини эшитиб бошим осмонга етди. Сабаби ободончиликка, айниқса маҳалла ободончилигига эътибор берган киши эл дуосини олади, умри узун, мартабаси баланд бўлади. Ҳаётимизнинг барча икир-чикирлари, турмушимиздаги урф-одатларимиз, анъаналаримиз маҳалладан бошланади. Қачонки маҳаллада янгича фикрлар таркиб топса, тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурса, у қанчалик обод ва кўркам бўлса, ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

**Азиза ҚОДИРОВА,**
**нуроний онахон.**

— Маҳалламиз — кўркимиз, файзу-баракотимиз. Ахир халқимиз «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деб бежиз айтмайди. Бу гапнинг тагида маҳаллани қадрлашдек чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан янги йилимизнинг «Обод маҳалла» номи билан аталиши қувончлидир.

**Қобил ИСОҚОВ,**
**хизматчи.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган енгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қутлуғ Рамазон ҳайити — Ийд әл-Фитр муносабати билан хорижий давлатларнинг раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келишда давом этмоқда.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамиятига Жанубий Кореядан ускуналарнинг дастлабки туркуми келтирила бошланди. Жами таннархи 1 миллион 375 минг АҚШ доллари миқдорида бўлган замонавий ускуналар экспортга мўлжалланган ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон беради.

● Мамлакатимиздаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири — Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонасида шу йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Германиянинг «Ивеко-Магирус» фирмаси билан ҳамкорликда ёнғинга қарши машина ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкентда ана шу техниканинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда қўшмакорхонада тайёрланаётган рефрижератор, чиқинди ташиш машиналари ҳам намойиш этилди.

● Амударё тумани марказида бўш иш ўринлари бозори уюштирилди.

● **Бугун** пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» теннис мажмуида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сонли «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республика улгуржи озиқ-овқат савдо ярмаркаси очилди. 14 декабргача ўтказиладиган ушбу ярмаркада мамлакатимиздаги бир қатор компаниялар, корпорациялар, акциядорлик уюшмалари томонидан 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.

● Андижон вилоятининг Асака шаҳрида янги деҳқон бозори аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

● Тошкентда мамлакатимиз агросаноат мажмуи ходимлари билан Германия Федератив Республикаси Агроакцияси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўзбек опера ва қўшиқчилик санъатининг йирик намояндаларидан бири, ноёб овоз соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номи билан ўтказилган танловда Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг солисти Саида Мамадалиева Гран-при совриндори бўлди. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабаси Малика Норматова биринчи ўринни эгаллади.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида об-ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Кундузи ҳаво ҳарорати 13-15 даража илиқ бўлди.

### Жаҳонда

● Украина Президенти Леонид Кучма қисқа ташриф билан Россияга келди.

● Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ўзининг АҚШга расмий ташрифини бошлади.

● Венгриядаги тўрт етакчи сиёсий партия мамлакатнинг Европа Иттифоқига кириши борасида келаси йил 12 апрель куни референдум ўтказишга келишиб олди.

● Боннда Афғонистон масаласи бўйича иккинчи халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Анжуманда иштирок этган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай ўз нутқида хавфсизликни таъминлаш масаласи толиблар ҳокимияти ағдарилганидан кейин мамлакатнинг энг оғир ва кескин муаммоларидан бири бўлиб қолаётганлигини таъкидлади. У яна бир бор халқаро ҳамжамиятни мамлакат пойтахтидан бошқа ҳудудларда ҳам халқаро тинчликни сақловчи кучларни жойлаштиришга даъват этди.

● НАТО Бош котиби Ж. Робертсон Россия Федерацияси ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш ва терроризмга қарши курашда ҳарбийларнинг ролига бағишланган конференцияда иштирок этиш учун Москвага келди.

● Таиланд қироли Пумипон Адулядет ўзининг 75 ёшга тўлиши муносабати билан мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган маҳбуслардан 5623 нафарини афв этиб, озодликка чиқарди. Улар ўғирлик ва гиёвандлик жиноятлари учун қамоққа олинган эдилар.

● АҚШ пул белгилари бюроси долларнинг рангини ўзгартиришга қарор қилди. Дастлаб 20 долларлик купюра янгича чиқарилади. У келаси йилнинг кузида муомалага киритилади. Кейинги бир ярим йил давомида 50 ва 100 долларлик купюраларнинг ҳам ранги ўзгартирилади. Бироқ уларнинг ўлчами ва Президентлар сурати сақлаб қолинади. Ўзгариш фақат долларнинг рангига тегишли бўлади, холос. Олдинги кўк рангдан фарқли ўлароқ, янги банк қоғозларининг ҳар қайсиси ҳар хил рангда чиқарилади.

● Швецияда анъанавий Нобель ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. **Эртага** ҳафталик Стокголь ва Ослода нуфузли мукофотларни топшириш маросими билан ниҳоясига етади.

● АҚШ томони БМТ Бош Ассамблеясининг Исроил томонидан Қуддус шарқининг қўшиб олинганини қораловчи резолюциясига қарши овоз берган. БМТ Бош Ассамблеяси фаластинликларнинг ҳуқуқларини таъминлашга ва Исроил қўшинларининг бу ҳудуддан олиб чиқилишига даъват этувчи олти резолюцияни маъқуллади. Авваллари Вашингтон доимо Қуддус мақоми борасида ўтказилган овоз бериш жараёнида бетараф мавқеини эгаллаб келаётган эди.

● Австралия Филиппиндаги ўз элчихонасини ҳали очиш ниятида эмас. Маълум бўлишича, Австралия ҳукумати мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан Филиппиндаги элчихонага жиддий террор ҳаракатлари содир этилиши мумкинлиги ҳақида ишончли маълумотни олган. Шу туфайли мамлакат у ерда ўз элчихонасини ёпишга мажбур бўлган эди. Айни пайтда Канада ҳам Филиппиндаги ўз элчихонасини номаълум муддатга ёпишга мажбур бўлган.

● Буюк Британия ҳукуматининг мамлакатдаги университет ва коллежларида таълим олиш учун тўланадиган контракт пулларини ошириш ҳақидаги қарори талабаларнинг катта норозилигига сабаб бўлган. 20 минг талаба Лондон марказида норозилик намойиши ўтказиш ниятида. Маълумки, Буюк Британия олий ўқув юртларида ҳар бир талаба йилига 1100 фунт стерлинг (1730 АҚШ доллари атрофида) пул тўлайди.

● Каракасдаги марказий майдонда мамлакат Президенти У. Чавесга қарши ўтказилган митинг қатнашчилари ўққа тутилиши оқибатида 3 киши ҳалок бўлди, 29 киши жароҳатланди.

● Бангладешдаги тўртта кинотеатрда содир бўлган портлаш оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда 20 га яқин киши ҳалок бўлган, 300 дан ортиқ киши жароҳат олган.

● Испания полицияси Панама каналида рўйхатдан ўтаётган кема капитани ва унинг ўн нафар ходимини қамоққа олди. Бунинг боиси Испаниянинг Хихон портида текширувдан ўтказилаётганда кема остида икки тонна кокаин моддаси борлиги аниқланганлигидир.

● Кубада бир вақтнинг ўзида 17 минг киши қатнашган шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Энди бу рекорд Гиннесснинг Рекордлар китобига киритиладиган бўлди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиш тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари олиб келадиган юридик шахслардан истеъмол товарлари импортига амалдаги божхона тўловлари билан бир қаторда ундириладиган йиғим бекор қилинсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

**«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилади;

мажбурий маркаланиши керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари чакана савдо шохобчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида маркаланмасдан сотилиши мумкин.

2. Қуйидагилар:

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати тасдиқлансин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талабларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 декабрь.

## Сешанба 10

## Чоршанба 11

## Пайшанба 12

## Жума 13

## Шанба 14

### ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР СИРЛАРИ

# «Регент» жавоҳири

**Бу ноёб улкан олмос 1701 йили Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган Кистна шаҳри яқинидаги Партиал олмос конидан қазиб олинган.**

Бу олмос биринчи кўринишида 410 карат (карат — 0,2 граммга тенг) бўлган. Номаълум йўллар билан Эрон савдогари Жемчунд қўлига тушади. Ўша даврда Мадрас фортининг губернатори бўлган Вильям Питт олмосни Жемчунддан 20400 фунт стерлингга сотиб олади. В. Питт Англияга қайтиб келгандан кейин бу олмосни заргарларга бериб, уни бриллиантга айлантиришни буюради. Олмосни заргарлар икки йилдан ортиқ тарашлаб, силлиқлаб, оғирлиги 140,5 каратли гўзал, мафтункор бриллиант тайёрлайдилар. Бу бриллиант кўринишидан жуда ҳам тоза ниб, тушган нур таъсирида товланиб турарди ва 64 та қиррага бўлинган эди. Питт бриллиантни ўзида сақлашга қўрқади ва 1717 йили уни Франция герцоги Орлеанскийга 3750000 франкка (135000 фунт стерлинг) сотади. Орлеанский эса бу бриллиантни Людовик XIV га совға қилади ва жавоҳир қирол тожига ўрнатилади. 1792 йилнинг 17 августида Гард-Мёбл қасридан қирол тахтига мансуб бўлган қироллик рамзи бўлган жавоҳирлар билан бирга «Регент» ҳам ўғирланади. Лекин ўғрилар «Регент» бриллиантини хеч кимга сота олмасликларини билиб, уни қайтариб, каср ичига ташлайдилар.

Наполеон Франция тахтига ўтиргандан кейин ғазнада маблағнинг танқислигини кўриб, «Регент» бриллиантини гаров сифатида ишлатиб, керакли маблағни олади. Бу олинган маблағ эвазига у армиясини қуроллантириб, Миср, Россия ва бошқа давлатларга юриш қилади.

Франция ҳукумати Наполеондан кейин, Франция қироллиги рамзи бўлган қимматбаҳо буюмлар қаторида кимошди савдосида «Регент»ни ҳам сотиб олади ва Лувр музейига томошабинлар учун қўяди. 1940 йили Францияга бостириб кирган гитлерчилар «Регент» бриллиантини қидириб топа олмайдилар. Бриллиант Шамбор қасрининг оддий деворининг мармар плитаси орасига беркитилиб қўйилган эди. Ҳозир бу ноёб бриллиант Лувр музейига қўйилган. У сотилмайди, чунки унинг силлиқланган қирраси бошқа шунга ўхшаш бриллиантлардан бир неча маротаба юқори ва ўз сифатли. Шунинг учун унинг бахоси чексиздир. У 30x29x19 миллиметрли ўлчамга эга.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Очиқ турдаги **«Матлуботтаъминот»** акциядорлик жамияти ўз акциядорларига 2002 йил 30 декабрь соат 11 да, Тошкент шаҳар, Жомий кўчаси, 5-уйда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

*1. «Матлуботтаъминот» жамиятининг Низом жамғармасини кўпайтириш.*

*2. «Матлуботтаъминот» жамият Низомига ўзгартиш киритиш.*

Жамият кузатув кенгаши


**«Ўзбек Давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат ЦИРКИ**

**2002 йил 25 декабрдан 2003 йил 12 январга қадар**

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА**

**БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН! ЭРТАКЛАРДАГИ САЙЁРАЛАР БЎЙЛАБ ЯНГИ ЙИЛ САЁҲАТИ**

*Қувноқ мультфильмлар, софдил роботлар, ғаройиб махлуклар ва баджахл мавжудотлар билан учрашасиз*

**Томошалар:** 25-27 декабрда соат 12,14,16 да; 28-30 декабрь кунлари соат 10,12,14,16,18 да; 31 декабрда соат 10,12,14,16 да; 1 январда 12 январгача соат 10,12,14,16,18,19.30 да бошланади.

**Чипталар цирк кассаларида ва туманлардаги кассирлар томонидан сотилади.**

**Ҳар турли шаклда тўлашни мумкин. Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91.**


10 декабрда Миробод туман меҳнат ва иш билан бандлик бўлими пойтахт аҳолисини навбатдаги бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркасига таклиф этади.

**Ярмарка соат 8.00 дан 14.00 гача қуйидаги манзил: Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Сарикўл кўчаси, 1-уй (мўлжал — Саноат касб-ҳунар коллежи биноси)да бўлиб ўтади.**

**Транспорт: 55 ва 66-автобуслар.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**Телефонлар:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4259 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-1108. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 13.45 1 2 3 4 5 6